

Асрлар давомида бу даҳри-дунга минглаб буюк мутафаккирларни, олиму фозилларни, шоиру маърифатпарварларни берган бу халқнинг боши неча марта тортилмади, неча марта кундага қўйилмади, дейсиз. Биргина қалами билан дунёни оёққа турғазган Алишернинг, оддий устурлоб билан фалакиёт сирасорларини бирма-бир очиб берган Улугбекнинг фарзандлари пешонасига ҳалигача турли хил тамғалар босилиб келиши ўзини шер деб билган ҳар қандай эр йигитга алам қилади. Узоққа борманг — собиқ ва совуқ қизил империя шундоғам жангу жадаллардан безган халқнинг боши устида оловли қамчисини тинмай ўйнатиб турган маҳалда Гдлян, Иванов ҳамда уларнинг


америкаликлар бир ойлик маошига машина сотиб олишлари мумкин, деймиз. Нимага улар тўқу биз мундайроқ, дея ёзғирамиз. Уйлаб кўрма-япмизки, “мундайроқ” лигимизга ҳукумат эмас, ўзимиз сабабчи. Маошимизга машина туғул, бир қоп иккинчи навли урни сотиб ололмаётганимизга “катта”лар эмас, ўзимиз айбдор. Эшматнинг бирор-бир “ёғлироқ” жойга кириб олганини эшитиб, Тошматнинг баданида чумоли ўрмалайди. “Кимга қанча пора бериб ишга кирди экан бу хумпар”, дейди. Эртага ўша Эшматнинг ишлари юришиб, хусусий фирма ташкил этса, бунисининг пайтавасига қурт тушади. Кўзи олма теряптимми, демак, кимгадир қуруғидан

ши — иккинчи, балки учинчи масала.

Сиз нима десангиз деяверинг: биз пора олишдан кўра, уни беришнинг йўлларини кўпроқ биламиз. Раҳбарнинг хонасига кирдикми, тезроқ чиқиб кетса-ю “аталган”-ни столнинг тортмасига тикиб қўйсам, деб ўйлаймиз. Йўлда кетаётган машинамизни бирдан ДАН инспектори тўсдимми, хаёлимизга келган биринчи фикр шу бўлади: қанча берсам қутиларкинман? Кейин машинадан тушамиз-да, аввалдан тайёрлаб қўйган “бешюзталиқ”-ни бармоқларимиз орасига қисиб, ҳали чаккасига қўлини тираб ўзини тантишга улгурмаган ДАН ходимининг қўйнига киришга уринамиз.

Булар пора беришнинг ибтидий усуллари. Ҳозир бунинг шундай замонавий, математик йўллари кашф этилганки, бу фанга асос солган ал-Хоразмийнинг тушига ҳам кирмаган. Утган ой 30 минг маош олган “босс” бу сафар 90 минг олса, ойлигим ошгандир-да, дея мийиғида кулиб қўяверади. Эртага ўғлини суннат қилмоқчи бўлган ҳоким буванинг уйига ярим тонна гўшт, яна шунча миқдорда тош босадиган гуруч билан пахта ёғи “осмондан тушиб” қолади. Трест бошлиғи бўлиб ишлашини

ПОРА



ОЛИНМАЙДИ...

БЕРИЛАДИ!